# **ИҚТИСОДИЙ ЭРКИНЛИК ИНДЕКСИ** ТАРКИБИДАГИ ИНДИКАТОРЛАР КЕСИМИДА **2020 ЙИЛНИНГ II-ЯРИМ ЙИЛЛИГИ** ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН **ЙИРИК ИСЛОҲОТЛАР**

***«Бизнес юритиш» ва бошқа рейтинглар билан ишлаш бошқармаси***

**ТОШКЕНТ 2021**

**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI**
**IQTISODIY TARAQQIYOT VA KAMBAG'ALLIKNI QISQARTIRISH VAZIRLIGI**

# Мулкчилик ҳуқуқи

Ўз ихтиролари, саноат намуналари ва фойдали моделларига **патент олиш** учун **аризаларни топшириш**нинг **электрон шакли** жорий этилди

Хўжалик юритувчи субъектлар учун **фойдаланилмайдиган** товар **белги**ларини **рўйхатдан ўтказиш ҳамда** тадбиркорлик субъектлари фойдаланилмаётган савдо белгиларини янгилаш орқали янги товар белгисини ишлаб чиқиш учун вақтни тежаш имконияти яратилди

Ер участкасини ажратиш тўғрисида қарор қабул қилган органнинг **даъволари бўйича** мулк ҳуқуқини тугатиш, ер участкасининг барча ёки бир қисмидан номувофиқ ёки мантиқсиз фойдаланиш ҳолатларида доимий ёки шошилинч фойдаланиш тўғрисида **суд тартиб-таомили** жорий этилди

**Ерларни ажратиш**, уларнинг ҳисобини юритиш, қишлоқ хўжалиги экинларини жойлаштириш, ер назоратини амалга оширишда **манфаатлар тўқнашувини олдини олиш** ва ушбу соҳани **рақамлаштириш йўналишлари** белгиланди

**Кўчмас мулкни рўйхатга олиш** тизимини янада такомиллаштириш, давлат кадастрларини **юритиш**, кадастр соҳасида **давлат хизматларини кўрсатишнинг ягона марказлашган тизими** яратилди

# Суд фаолияти самарадорлиги

Ўзбекистон Республикасида суд ҳокимияти мустақиллигининг конституциявий принципига риоя этилишини таъминлашга кўмаклашадиган **Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши** ташкил этилди

**Фуқароларнинг** одил судловга эришиш **даражасини ошириш**, судларда ишларни кўриб чиқиш **сифатини ошириш** амалда томонларнинг тенглиги ва қарама-қарши рақобатини таъминлаш учун **адолатли қарорларни қабул қилиш**га ҳисса қўшадиган **механизмлар** кенгайтирилди

Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари **мажбурий ижроси доирасида** мол-мулкни шартнома-воситачилик асосларида сотиш фақат мол-мулкни қабул қилишдан уни сотишгача бўлган жараёнларни **масофавий мониторинг** қилиш **электрон тизими** жорий қилинди

# Давлат яхлитлиги

**1** — Коррупцияга қарши курашиш бўйича республика **идоралараро комиссияси** ҳамда Ўзбекистон Республикаси **Коррупцияга қарши курашиш агентлиги** тузилди

**2** — Коррупцияга оид **ҳуқуқбузарлик** ҳақида **хабар берган** ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда **кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби** тасдиқланди

**3** — Давлат фуқаролик хизматидаги **вакант лавозимларга** муносиб номзодларни **ишга қабул қилиш** тизимини амалиётга жорий этиш мақсадида онлайн режимдаги **“Давлат фуқаролик хизматчилари вакант лавозимларининг ягона портали”** (vacancy.argos.uz) ишга туширилди

**4** — Давлат фуқаролик хизматчиларининг билимларини аниқлайдиган **“Давлат хизматчиларини синовдан ўтказиш модули”** (test.argos.uz) электрон **ахборот тизими** жорий қилинди

**5** — **“Давлат фуқаролик хизмати ягона электрон ахборот-таҳлил тизими”** дастурий-аппарат **комплекси** ишлаб чиқилди

**6** — Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг **қарорлари** ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг **норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари** Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари **миллий базасига киритилиши шартлиги** белгиланди

# Фискал саломатлик

**Қарзнинг ЯИМга нисбатан** юқори чегарасини **белгилаш**, яъни Ўзбекистон Республикаси номидан ва Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб қилинган давлат қарзининг суммаси ЯИМнинг йиллик прогноз кўрсаткичига нисбатан **60 фоиздан ошмаслиги** белгиланди

## Меҳнат бозори эркинлиги

01 **Аҳоли бандлиги** соҳасидаги **давлат сиёсатининг асосий йўналишлари** белгиланди

02 Ишсиз ва **банд бўлмаган аҳолини**, камбағал оилалар аъзолари ва **хотин-қизларни** меҳнат бозори эҳтиёжларига мутаносиб равишда **касб-ҳунарга тайёрлаш** ва қайта тайёрлаш қамровини миқдор ва сифат жиҳатдан кескин оширишнинг **яхлит тизими** жорий этилди

03 **Хорижда ишлаётган** фуқароларнинг муаммо ва **эҳтиёжларини ўрганиш** ҳамда ҳал қилиш бўйича **янги тизим** жорий этилди

04 Хизматчиларнинг **асосий лавозимлари** ва ишчилар касблари классификаторининг **Давлат стандарти кўринишидаги янгиланган нашри** ишлаб чиқилди

## Давлат харажатлари

**01** **"Натижага йўналтирилган бюджет"** тизимини жорий этиш мақсадида 2020 - 2024 йилларда Ўзбекистон Республикасининг **давлат молиясини бошқариш тизимини такомиллаштириш Стратегияси** қабул қилинди

**02** **Коронавирус пандемияси** шароитида **давлат харажатларини мақбуллаштириш**, **тадбиркорларга қулайликлар** яратиш ва **аҳолини қўллаб-қувватлаш** бўйича бир қатор **чора-тадбирлар** ишлаб чиқилди

# Бизнес эркинлиги

01 **Ўсимликлар карантини тизими** такомиллаштирилиб, бу соҳага **илмий янгиликлар**, **халқаро тажриба** ва **рақамли технологиялар** жорий этилди ҳамда **экспорт ҳажми ва географияси** янада кенгайтирилди

02 Ваколатли органларнинг **мева-сабзавотлар**, тўқимачилик маҳсулотлари ва буюмларини экспорт қилиш учун зарур **рухсатнома** ва **сертификатларни расмийлаштириш** билан боғлиқ **харажатларини қоплаб бериш тартиби** жорий этилди

03 **Қўшилган қиймат солиғининг** салбий фарқ суммасини **қоплаш** (қайтариш) **тартиби** жорий қилинди, **солиқ юки** пасайтирилди, **солиқ ҳисоботини топшириш** электронлаштирилди ҳамда **солиқлар сони** камайтирилди

04 Тадбиркорлик субъектларини **давлат рўйхатидан ўтказиш** ва ҳисобга қўйишнинг **автоматлаштирилган тизими** жамғариб бориладиган пенсия тизими билан **интеграциялашуви** таъминланди

05 Юридик шахсларнинг **бенефициар мулкдорларини бирламчи жараёнда аниқлаш** ва автоматик равишда **реестрини юритиш тартиби** белгиланди

06 Ўзбекистон Республикаси **қурилиш тармоғини модернизация қилиш**, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг **2021 - 2025 йилларга мўлжалланган стратегияси** тасдиқланди

07 Давлат экология қўмитасининг **“eco-service.uz”** интерактив хизматлари портали орқали **давлат экологик экспертизасини ўтказиш** учун **ариза юбориш** ва давлат экологик экспертизаси **хулосасини олиш тизими** йўлга қўйилди

# Солиқ юки

1

Солиққа тортиш, бухгалтерия ҳисоби ва аудит, рақамли иқтисодиёт соҳасида **олий маълумотли мутахассислар** ва илмий **кадрларни тайёрлаш**, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш мақсадида **Давлат солиқ қўмитаси ҳузурида Фискал институт** ташкил этилди

2

**Яширин иқтисодиёт** даражасини пасайтириш, **тадбиркорлик фаолиятини** юритиш, **солиқ қонунчилиги талаблари**га риоя қилиш тартиб-таомилларини **автоматлаштириш** ва унинг тартибини соддалаштириш бўйича **чора-тадбирлар** ишлаб чиқилди

3

Иқтисодиётда **яширин фаолиятни** қисқартириш, **шаффофлик даражасини** ошириш ҳамда тадбиркорлик учун **тенг рақобат муҳитини** яратиш мақсадида **солиқ органлари фаолиятига ахборот-коммуникация технологияларини** кенг жорий этиш бўйича **Стратегия** тасдиқланди

# Савдо эркинлиги

01

**Маҳсулотларни идентификация** воситалари орқали **маркировкалаш** ва уларнинг **айланмасини кузатиб бориш қоидалари**ни белгилаш ҳамда айрим турдаги маҳсулотларни **мажбурий рақамли маркировкалаш** тизимини босқичма-босқич **жорий этиш механизмлари** такомиллаштирилди

02

**Суғурта соҳасида норматив-ҳуқуқий базани** такомиллаштириш, шу жумладан **халқаро ташкилотларнинг стандартлари** ва тавсияларини ҳамда ушбу соҳадаги энг яхши **жаҳон тажрибалари**ни изчил жорий этиш **йўналишлари** белгиланди

03

Божхона маъмурчилиги белгиланадиган талабларга жавоб берадиган инсофли **ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларига** соддалаштирилган божхона тартиб-таомилларидан **фойдаланиш ҳуқуқи**ни беришни назарда тутувчи **Ваколатли иқтисодий операторлар институти** жорий этилди ва унинг **Низоми** тасдиқланди

# Савдо эркинлиги

**04** Давлат божхона хизмати органлари томонидан амалга ошириладиган **пулли хизматлар турларини кенгайтиришни назарда тутган** қатъий белгиланган **божхона йиғимлари ставкалари** тасдиқланди

**05** **Божхона назорати** остида автомобиль йўлларида ташилаётган товарларнинг божхона ҳамроҳлигидаги **кузатувини** ташкил этиш **тартиби** жорий этилди

**06** **Цемент маҳсулотини** эркин муомалага чиқариш **давлат божхона хизмати** органлари томонидан тегишли **мувофиқлик сертификати** асосида амалга оширилиши белгиланди

**07** **Тажриба ва синов лабораториялари** томонидан ўтказиладиган синовларни ўтказиш имкониятини **баҳолаш** (аккредитация) **тизими** қайта кўриб чиқилиб, мавжуд **тартиб-таомиллар** оптималлаштирилди

**08** **Метрология ишлари** (калибрлаш) учун **хусусий бизнесни жалб қилиш** имконияти яратилди ҳамда шу соҳадаги **тадбиркорлик субъектларининг хизмат кўрсатиш доираси** кенгайтирилди

**09** **Божхона тартиб-таомилларини** соддалаштириш ва уйғунлаштириш тўғрисидаги **халқаро конвенцияга** (Киото, 1973 йил 18 май) қўшилинди

**10** **Давлат иштирокидаги корхоналарни** ислоҳ қилишни жадаллаштириш ҳамда **давлат активларини хусусийлаштиришнинг асосий йўналишлари** белгиланди

**11** **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси** маблағлари ҳисобидан асосий фаолият тури савдо-воситачилик бўлган **экспорт қилувчиларни** молиявий **қўллаб-қувватлаш тартиби** белгиланди

**12** **Реклама бозори иштирокчиларининг** таклифлари ва хорижий тажриба асосида ташқи рекламани жойлаштиришнинг ва **тариф белгилаш**нинг **ягона тартиби** ишлаб чиқилди

**13** Ўзбекистон Республикасида **ўхшаши ишлаб чиқарилмайдиган** четдан **олиб кириладиган технологик** асбоб-ускуналар **божхона божи**ни тўлашдан **озод этилиши** белгиланди

# Молиявий эркинлик

# Инвестициялар эркинлиги

| | | | |
|---|---|---|---|
| Банк хизматларида **истеъмолчиларининг ҳуқуқлари** ва **қонуний манфаатларини** ҳимоя қилишга хизмат қилувчи **тартиблар** белгиланди | Тўлов хизматлари бозори иштирокчилари ҳамда **фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари** ва **мажбуриятлари** белгилаб олиниши натижасида **Клиринг тизими**нинг самарали ва узилишларсиз ишлаши таъминланди | **Ёшлар** ва **хотин-қизларни тадбиркорликка** кенг жалб қилиш, **микромолиялаш** тизимини такомиллаштириш ҳамда тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари белгиланди | **Қонуности ҳужжатларига** киритилган **ўзгартиришлар** натижасида мамлакат ҳудудида **валютани тартибга солиш** соҳасида **28 та** ҳужжатга **ўзгартириш** киритилди, **8 та** ҳужжат ва **12** норма **бекор қилинди** |
| Ўзбекистон Республикаси ҳудудида **электрон пуллар**нинг чиқарилиши ва муомалада бўлиши **қоидалари** тасдиқланди | **Накд валюта** маблағларини **чекловларсиз** олиб чиқиш **меъёри икки баравар** оширилиб, **юз миллион сўм** эквивалент миқдорида белгиланди | **Эмитент** ва **аффилланган шахс** ўртасида тузилган **битимлар** тўғрисидаги ахборотни битим тузилган пайтдан эътиборан **72 соат ичида жойлаштириш** белгиланди | Тижорат банклари томонидан резидент ва норезидентларнинг чет эл валютасидаги **ҳисобварақларини юритиш** ҳамда **валюта айирбошлаш** операцияларини амалга ошириш **тартиби** белгиланди |
| **Банк тизимини** янада эркинлаштириш ва ислоҳ қилиш ҳамда **тижорат банкларининг мустақиллигини** ошириш мақсадида тижорат банкларининг **кредит** ва **депозит операцияларига доир** баъзи **талаблари** (банк кредит йиғмажилдлари, кафолат тўғрисидаги шартнома) бекор қилинди | Накд пулсиз ҳисоб-китобларда қўллашга мулжалланган, лекин анча йиллардан бери муомалада **мавжуд бўлмаган** ҳисоб-китоб чекларига доир **нормалар** чиқариб ташланди, **банклараро тўловлар**ни узлуксиз **24/7 режимида** амалга ошириш тартиби белгиланди | Хўжалик жамиятларга **корпоратив облигациялар** чиқариш **ҳуқуқи** берилди ва жамият томонидан корпоратив облигациялар ҳамда **инфратузилма облигациялари** чиқарилиши **шартлари** ва **тартиби** белгиланди | Товар ва молия бозорларида **рақобатни ривожлантириш**, уларда тадбиркорлик субъектлари (инвесторлар)нинг кириши учун тенг шароитларни яратиш, **шаффофлик** ва **ошкораликни** таъминлаш ҳамда **давлат хариди** тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш **йўналишлари** белгиланди |